КОНСТРУКТИВ ДИАЛОГ – ҲАРАКАТЛАР СТРАТЕГИЯСИДА МУАММОЛАРНИ ҲАЛ ҚИЛИШ ЙЎЛИ СИФАТИДА

М.Н.Абдуллаева, Г.Ғ.Ғаффарова

Ҳаракатлар стратегиясини амалга оширишда ижтимоий субъект фаоллигини таъминлаш учун конструктивизм ғоясининг методологик аҳамиятини ёритиб бериш, конструктивизмнинг асосий тушунча ва тамойилларини ўрганиш зарурдир. Шу сабабли мақолада Ҳаракатлар стратегияси мураккаб тизим сифатида ҳамда конструктив диалог муаммоларни ҳал қилиш йўли сифатида фалсафий таҳлил этилади.

Калит сўзлар: *тизим, мураккаб тизим, конструктивизм, диалог, сўзлашув, Ҳаракатлар стратегияси, мулоқот, қайтувчи алоқа.*

При реализации Стратегии действий необходимо осветить методологическую значимость концепции конструктивизма в продвижении социальной активности, основных понятий и принципов конструктивизма. По этой причине в статье в философском аспекте анализируются Стратегии действий как сложная система и как способ решения проблем конструктивного диалога.

Ключевые слова: *система, сложная система, конструктивизм, диалог, общение, Стратегия действий, обратная связь.*

In the process of realization of the strategy of activities it's important to illucidate methodological significance of the conception of constructivismin growth of sovial activeness, major notions and principles of constructivision. That's why strategy of activities is analysed as a complex system and as a means of solving problems of constructive diologue in the philosophical aspect .

Key words: *system, complex system, constructivism, dialog, conversation, the Strategy of activity, contact, feedback.*

Маълумки, замонавий мустақил Ўзбекистон ўта мураккаб давлатлараро ва давлат ичидаги шароитларда ривожланди ва ҳозирда миллий давлатлар тизимида муносиб ўрин эгалламоқда. Бунга сабаб, замонавий Ўзбекистон асосини ташкил қилган демократик ўзгаришлар, барча соҳалардаги кенг қамровли ислоҳотлар унинг илгарилаб боришига шарт-шароитлар туғдирди.

Мамлакат ривожланишнинг сифат жиҳатидан янги босқичига кирди. Мамлакатнинг ҳам сиёсий, ҳам ижтимоий, ҳам иқтисодий соҳаларида ўзгаришлар юз берди ва ҳозирда юз бермоқда. Глобализация жараёнлари, жаҳондаги нотурғун вазият, ноаниқлик, турли хавф-хатарлар, исталмаган тасодифий таъсирлар – буларнинг барчаси ҳозирги замон дунёсини тавсифлайди. Содир бўлаётган ҳам ички, ҳам ташқи ўзгаришлар мамлакатнинг кейинги ривожланиши учун янги методологик ёндашувлар, янги ғояларни ишлаб чиқишни талаб қилади.

Юқорида келтирилганлар билан бир қаторда, чет эллик мутахассислардан бири мамлакатнинг мустақиллик бошланишидаги кучли томонларини таъкидлаб ўтган. «Унинг пахта экспорти учун тайёр бозори бўлган. У табиий газ заҳиралари бўйича жаҳонда 14 ўринни эгаллаган, олтин ва кумуш, мис, қўрғошин, цинк, вольфрам, кўмир ва уран каттагина заҳираларига эга бўлган (ЕТИ, 2002, 16). Яхши маълумотга эга ва соғлом аҳолиси бор эди» [8.5].

Ўзбекистон ривожланишнинг «ўзбек модели»да таърифлаб берилган йўлни танлади. Яъни «ўзбек модели»ни амалга ошириш натижасида – жамиятни демократлаштириш, бозор иқтисодиётини босқичма-босқич амалга ошириш, иқтисодиётни замонавийлаштириш ва либераллаштириш жараёнларини амалга ошириш, диверсификация қилиш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш каби ўзгаришларга эришилди. Шу билан бирга мамлакат бошқаруви, ўз ривожланиш йўлига асосланиб, иқтисодиётни изчил ўзгартириш йўлидан борди. «ВК тавсияларига амал қилиш ўрнига Ўзбекистон капитализмга давлат иқтисодиётини ривожлантириш билан бирга изчил маҳаллий бошқарув стратегиясини амалга ошириш йўлидан кетди» [8.4].

Замонавий жаҳон майллари, кучайиб бораётган давлатлараро алоқалар, ўзаро боғлиқликни ҳамда мустақилликнинг 25 йили давомида содир бўлган туб ўзгаришларни ҳисобга олган ҳолда, «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси»да Ўзбекистоннинг замонавий ривожланиши асосини ташкил қилаётган муаммоларнинг қўйилишида ҳам, янги ёндашувларда ҳам ворисийлик, изчиллик мавжуд.

Мамлакатимизда ўтказилаётган ислоҳотлар ижодий нуқтаи-назардан олиб борилмоқда. Таълим-тарбия, модернизация, кичик бизнес ва хусусий тадбир-

корлик соҳаларида амалга оширилаётган ислоҳотлар кенг қамровли бўлиб, вазифалар даврга мувофиқ қўйилган. Шу билан бирга бугунги кунда 2017-2021 йилларга мўлжалланган Ҳаракатлар стратегиясини амалга ошириш ҳам мамлакатни ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишини ўз ичига олган. Яъни, давлат ва жамият қурилишини такомиллаштириш; қонун устуворлигини таъминлаш ва суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилиш; иқтисодиётни янада ривожлантириш ва либераллаштириш; ижтимоий соҳани ривожлантириш; хавфсизлик, миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенгликни таъминлаш, чуқур ўйланган, ўзаро манфаатли ва амалий руҳдаги ташқи сиёсат юритиш [1].

Демак, Ҳаракатлар стратегиясининг амалга оширилиши Ўзбекистон Республикасининг мамлакатни ислоҳ қилиш ва модернизациялаш, ривожланган бозор иқтисодиётига асосланган ҳуқуқий демократик давлат, кучли фуқаролик жамияти барпо этиш, қонун устуворлигини, хавфсизлик ва ҳуқуқ-тартиботни, давлат чегараларининг дахлсизлигини, жамиятда миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенгликни таъминлаш йўлидаги шахдам ҳаракатларига янги куч бағишлайди.

Айтиш керакки, қабул қилинган Ҳаракатлар стратегияси олдига қўйилган мақсад – халқ манфаати. Республикамизда ушбу мақсадга эришиш учун турли хил йўллар изланмоқда ва амалиётга жорий этилмоқда, яъни ҳаракатлар стратегияси олдига қўйилган вазифаларни амалга ошириш учун имкониятлар кенгайтирилмоқда. Энг асосий устувор вазифа – «Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили» Давлат дастурини амалга ошириш, «Инсон манфаатлари ҳамма нарсадан устун» деган олижаноб ғояни изчиллик билан ҳаётга татбиқ этишдан иборат. Айнан ана шу энг муҳим вазифалар иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг асосий йўналишлари ва устувор вазифаларига жиддий ўзгартиришлар киритиш учун пойдевор бўлиши керак [2.59].

Агар Ҳаракатлар стратегиясини мураккаб тизим деб олсак, у бир неча кичик тизимлардан иборат, шунинг учун фалсафий таҳлилни турли методологик нуқтаи назарларда амалга ошириш мумкин.

Айтиш керакки, мураккаб тизимларни ташкил этувчи элементларнинг (содда тизимлари) ўзаро боғлиқлиги, ўзаро таъсири натижасида янги хусусиятлар, жараёнлар пайдо бўлади. Шундай мураккаб тизимларда элементлар қандай ўзаро боғлиқ, қай усул билан мураккаб тизимнинг функцияларини ташкиллаштиради? Мураккаб ижтимоий жараёнлар модель шаклига келтирилиб ўрганилади. Умуман олганда, ижтимоий воқеликни акс эттирувчи моделлар яхлит тизимни ташкил этади. Ушбу мураккаб тизимни ташкил этувчи элементларнинг ўзаро боғлиқлиги ва тизим фаолиятига таъсири қай тарзда бўлади? Бу ҳолда мураккаб тизимларни ташкил этувчи элементлар орасидаги ўзаро боғланиш қатъиян детерминантлашган бўлиши мумкин эмас.

Ана шу назарий-методологик ғоя ижтимоий ривожланишни тадқиқ қилувчи моделларда намоён бўлади. Бунинг акси, элементлар ўртасидаги боғланиш қатъиян детерминантлашган бўлса, элементлардан бирортаси ишдан чиқса, мураккаб тизимнинг функцияси ишдан чиқади. Шунинг учун тизимдаги элементларнинг ўзаро боғланганлиги эгилувчан, қатъий детерминантлашмаган (эҳтимол) бўлиши керак. Бу ҳолда системанинг бирор элементи ишлаш қобилияти сусайса ёки ишдан чиқиб қолса, элементларни қайта кўриб чиқиш учун имконият пайдо бўлади.

Мураккаб тизимларнинг ушбу хусусияти туфайли нафақат организм, балки бутун тириклик мавжуддир [6.352]. Ушбу ғоя асосида шаклланган моделлар ривожланиш учун янги имкониятлар йўлини очиб беради.

Бизнинг назаримизда, диалог, сўзлашув, раҳбарларнинг халқ билан сўзлашувининг турли шакллари Концепциянинг амалга оширилишининг энг муҳим жиҳатидир. Диалог, сўзлашув – кўп жиҳатли, кўп функцияли тушунча бўлиб, уни турли нуқтаи назардан талқин қилиш мумкин.

Сўзлашувдан нима учун фойдаланадилар? Маълум бўлишича, ўтмишда ундан донишмандлар фаннинг турли мунозарали масалаларини муҳокама қилишда фойдаланганлар, шунингдек, ундан муҳокама қилинаётган муаммоларни ўзаро тушуниш йўлини шакллантириш орқали низоли вазиятларни ҳал қилишда фойдаланадилар; сўзлашув стереотипларидан воз кечиб, мунозарали масалаларни ҳал қилишда янги ёндашувларни таклиф қилиш имконини беради; одамларга очиқ бўлиш имкониятини беради ҳамда уларда зиддиятларни конструктив ҳал қилишга қизиқиш уйғотади, истиқболни кўриш имконини беради.

Дарҳақиқат, давлат ва халқ ўртасидаги диалог ривожланишнинг янги истиқболларини очиб беради, ривожланиш муаммоларини қонунлар ва фармонларга таянган ҳолда ҳал қилиш имконини беради. Шу билан бирга, «бугунги кунда Ўзбекистон жаҳон ҳамжамиятида ўзининг муносиб ўрни ва мавқеига эга. Биз дунёдаги барча давлатлар билан яқиндан ҳамкорлик қилиш ва амалий мулоқот учун очиқмиз» [4]. Шунга кўра, мулоқот кенг кўламли, ҳам давлатнинг ички муаммоларини, ҳам ташқи муаммоларни ҳал этишда янги имкониятлардан фойдаланиш учун йўл очиб бермоқда. Қўйилган вазифаларни амалга ошириш жараёнида турли хил қийинчиликлар, тасодифлар каби муаммолар билан тўқнашамиз.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, Ҳаракатлар стратегиясида мулоқот шакллари белгилаб берилган:

- барча даражадаги ҳокимлар, прокуратура ва ички ишлар органлари раҳбарларининг, шунингдек, Қонунчилик палатаси ва Сенат қўмиталарининг аҳоли олдида ҳисобот бериш тизимини жорий этиш;

- раҳбарларнинг жойларда мавжуд аҳволни шах-

сан ўрганиш асосида аҳолининг энг муҳим эҳтиёжларини ҳал этишда амалий ёрдам кўрсатиши;

- Халқ қабулхоналари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Виртуал қабулхонаси фаолиятини самарали ташкил этиш;

- Ўзбекистон Республикаси Президентининг Виртуал қабулхонасида диалог.

Давлат халқ олдида муайян мажбуриятлар олиб, ўз ҳаракатлар дастурини илгари суради ва қўйилган мақсадларга эришишда умумий бошқариш функциясини бажаради. Давлат ҳар бир фуқаро тўғрисида ғамхўрлик қилиш биринчи навбатдаги вазифа бўлган жамиятни қуришга ҳаракат қилади. Диалог, сўзлашув халқнинг амалга оширилаётган ислоҳотларнинг мақсад ва вазифаларини, уларни амалга ошириш йўлларини тушуниб етишида ёрдам беради. Диалог жараёнида қийинчиликлар, камчиликлар, аҳоли эҳтиёжлари аниқланади. Ҳокимият вакиллари камчиликлар, хатолар, қийинчиликлар тўғрисида маълумотга эга бўлиб, уларни бартараф этиш чора-тадбирларини амалга оширади ва ҳодисаларнинг ижобий ривожланиши учун шарт-шароитлар яратади.

Дарҳақиқат, Ҳаракатлар стратегиясида амалга оширилаётган ислоҳотлар, асосан, халқ билан бевосита яқиндан мулоқот олиб боришга йўналтирилган. Мақсад ушбу мулоқот орқали давлат органларини халқ билан яқинлаштириш, яъни уларнинг ўзаро алоқаларини янада ривожлантиришдир. Шу ўринда айтиш керакки, ушбу мулоқотлар қайтувчи алоқаларга асосланса гина ижобий натижага эга бўлади. Яъни мулоқотдаги қайтувчи алоқа керакли жавоб олинмагунча фикрни, ўзини тутишни ўзгартириш имконини беради. Шунингдек, у ижтимоий ҳаётда содир бўлаётган жараёнлар, ҳодисалар тўғрисидаги тасаввурларни ўзгартириш имконини беради ва салбий ҳодисаларни бартараф этувчи қарорлар қабул қилишга ёрдам беради.

Юқоридаги жараёнларни Н.Винер концепцияси орқали илмий тушунтиришимиз мумкин. Одатда, биз сабаб-оқибат алоқаларини бир йўналиш сифатида қараймиз. Н.Винер концепциясида сабаб-оқибат тизимида қайтувчи алоқани кўрсатиб берди.

Маълумки, Н.Винер томондан кибернетикада «қайтувчи алоқа» тушунчасига илк бор таъриф берилган. Яъни «бошқа шахс билан алоқа ўрнатиб, мен унга сигнал узатаман, бу шахс, ўз навбатида, мен билан алоқа ўрнатганида, у меникига эмас, балки ўзиникига ўхшаш сигнални қайтаради» [5.150]. Ушбу алоқага тавсиф бериб, олим ёзади: «қайтувчи алоқа тизимга олдинги вазифаларни бажариш натижаларини киритиш йўли билан тизимни бошқариш усулидир» [5.152].

Қайтувчи алоқа сабаб-оқибат айланма боғланишининг фалсафий талқинини асослаб беради. У турғун ҳолатлар сабаби, механизмини ҳамда янгининг вужудга келиши, беқарордан барқарорга, тартибсизликдан тартибга ўтишни тушунтиради. Шу билан бирга, «қайтувчи алоқа ижобий (чақираётган ўзгаришларнинг интенсив ўсиши) ёки салбий (интенсив камаяди) бўлади»[7.415].

Ижобий қайтувчи алоқа ташқи таъсирга жавобан ўсиш ва ривожланишни ўзаро рағбатлантиришни таъминлайди. Салбий қайтувчи алоқа компенсацион (ўрнини тўлдирувчи) бўлганлиги сабабли тизим ташқи таъсирлар жараёнида ўз ҳолатини сақлаб қолишга ҳаракат қилади. Буни биз қуйидаги мисолда тушунтиришимиз мумкин. Ҳукумат ҳақиқий аҳвол тўғрисида маълумот олиб, қарорлар қабул қилади, бу қарорлар ҳал қилинаётган муаммога қараб салбий ёки ижобий қайтувчи алоқага асосланиши мумкин. Энг муҳими, улар халқ манфаатига, одамлар орзу-умидларининг ушалишига хизмат қилиши керак.

Албатта, диалог, сўзлашув натижаларини амалга ошириш кўп муаммолар билан боғлиқ. Кутилмаган тасодифлар, ноаниқликлар, янгиликка шахсан қарши туришлар юзага келиши мумкин, улар ҳамкорликда ишлаш жараёнида бартараф этилиши лозим. Икки мураккаб тузилма бўлган «давлат ва халқ»нинг биргаликдаги синергизми, доимий янгиланиш, диалог натижалари асосида тузатишлар киритиш ҳам халқ, ҳам давлатга Ҳаракатлар стратегиясини тушуниш ва амалга оширишда ёрдам беради.

Шу билан бирга, «2017 йил халқ билан яқиндан мулоқот қилиш, унинг дарду ташвишлари, ҳаётий муаммоларини самарали ҳал этиш бўйича янги тизим яратилган йил бўлди» [3.5]. Албатта, ушбу йилда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Халқ қабулхоналари ва Виртуал қабулхонаси фуқароларнинг мурожаатлари билан ишлашнинг ўзига хос демократик институти сифатида амалда ўзини оқламоқда. Чунки қисқа муддатда ана шу қабулхоналарга бир ярим миллиондан зиёд фуқаро мурожаат қилди ва қанчадан-қанча одамларнинг йиллар давомида ҳал этилмаган муаммолари ижобий ечимга эга бўлди. Бу эса жойларда раҳбарларнинг йўл қўйилган хато ва камчиликларни тезлик билан бартараф этиш юзасидан шахсий жавобгарлиги кучайишига, раҳбарларнинг жойларга бориб, аҳолини безовта қилаётган энг долзарб муаммоларнинг амалий ечими билан шуғулланишига сабаб бўлди.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, Ҳаракатлар стратегияси режалари асосида мамлакатимизда содир бўлаётган ижтимоий-иқтисодий ўзгаришлар ва халқаро миқёсда республикамиз мавқеи ўзгариб бораётганини кузатмоқдамиз. Ҳаракатлар стратегияси ривожланишни «ўзбек модели»га асосланиб, асосий ғояларини амалиётга татбиқ қилиши билан бирга янги вазифалар, янги имкониятларни жорий этмоқда. Ҳаракатлар стратегиясининг алгоритми инсон манфаатларини ҳимоялаш жараёнида халқ билан, бошқа мамлакатлар билан мулоқот олиб боришга йўналтирилган. Ҳаракатлар стратегияси режаларининг йўналиши кўп векторли ва ҳар бири кўп функциялидир.

Адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони // Lex.uz // 08.02.2017.
2. Мирзиёев Ш.М. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қоидаси бўлиши керак. – Т., 2017.
3. Мирзиёев Ш.М. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. – Тошкент: «Ўзбекистон» НМИУ, 2018. – 80 б.
4. Мирзиёев Ш.М. Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини мард ва олижаноб халқимиз билар бирга қурамиз. – Т.: Ўзбекистон, 2017.
5. Винер Н. Кибернетика и общество. – М., 1958.
6. Тарасов Л.В. Вероятность в современном обществе. – М., 2004.
7. Минеев В.В. Введение в историю и философию науки. – М.-Берлин: Директ-Медиа, 2014. – 639 с.
8. David M. Kotz. The Uzbek growth puzzle and the Washington Consensus. 2004.

ЎзФА фалсафа институти,
2018 йил 20 сентябрда қабул қилинган
(Тақризчи: доц. Ф.Юлдашева)